

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ  
АСОСЛАРИ**

*Ҳамдамов Элдор Гулом ўғли*  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*  
*Академияси 316 гурӯҳ курсанти*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф: профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишнинг ташкилий асосларини, криминологик адабиётларда, қонун хужжатларда мавзуга алоқадор жумлаларни келтириб ўтиб мавзуни илмий таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** *виктимологик профилактика, психологик хусусиятлар, гайриижтимоий хулқ-атвор, зарурий мудофаа, охирги зарурат.*

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор научно проанализировал тему, приведя организационные основы профилактической инспекторской организации виктимологической профилактики преступлений, приговоры по теме в криминологической литературе, правовые документы.

**Ключевые слова:** *виктимологическая профилактика, психологические особенности, асоциальное поведение, необходимая защита, крайняя необходимость.*

### ANNOTATION

Through this article, the author scientifically analyzed the topic by citing the organizational bases of the preventive inspector's organization of victimological prevention of crimes, sentences related to the topic in criminological literature, legal documents.

**Key words:** *victimological prevention, psychological characteristics, antisocial behavior, necessary defense, last necessity*

Маълумки, хар қандай фаолиятни амалга оширишда маълум бир процессуал хужжатлар орқали амалга оширилиб расмийлаштирилади. Хусусан профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амлга ошириш фаолиятида ҳам қонун хужжатларига мувофиқ ва вазирликнинг норматив хуқуқий хужжатларига асосан тегишли процессуал хужжатлар расмийлаштирилади.

Профилактика инспекторлари хуқуқбузарликларнинг виктимологик



профилактикаси фаолиятини амалга ошириш жараёнида қуйидаги процесуал хужжатларни расмийлаштиради.

- хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси оид дастурлар;
- хуқуқий тарғибот баённомалари;
- тақдимномалар;
- махҳалла фуқаролар йиғини мухокама йиғилиш баённомалари;
- кунлик иш юритув режалар;
- ойлик иш юритув режалар;
- профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид хисобот йиғин баённомалари;
- профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид маълумотнома кўрсакичларини ҳамда бошқа хужжатларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- хуқуқбузарликлардан жабрланишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;
- хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хуқуқбузарлиқдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек ишлаб чиқишида иштирок этиш ва амалга ошириш;
- хуқуқбузарлиқдан жабрланувчиларни умумий ва якка тартибда қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усувлари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;
- ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларга (худудларга) патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизматини жалб этиш;
- хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат чегаралари ҳақидаги маълумотларни тарғибот-ташвиқот қилиш орқали аҳолида

қилингандар ҳужумни бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш;

- ғайриижтимоий хулқ-автор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборотни тезкорлик билан олиш, уларни бартараф этиш;

- ички ишлар органларида ташкил этилган жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлардаги маълумотларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш;

- профилактика дастури ва тадбири лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усулларига доир электрон адабиётларни яратиш ҳамда тарқатиш;

- ҳуқуқбузарликларни содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш ва бошқа чора тадбирлардан иборат.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — 20-сон. — 221-м
2. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 636 б.
3. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.-539 б.